

МИЛЛИЙ ҒУРУР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙИ-СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ

Тоғаев Шавкат Хуррамович

Чирчиқ давлат педагогика университети

доценти, фалсафа фанлари номзоди

Аннотация: Ушбу мақолада миллий ғурурнинг тузилиши ва функцияларини унинг намоён бўлиш шакл-қўринишларига қараб тавсифладик. Шунингдек мақолада, ўзининг мазмун-моҳияти ва тузилишига кўра, ҳам миллий туйғу, ҳам кенг қамровли ва кўп қиррали ижтимоий-маънавий ҳодиса, ҳам яна, маълум маънода, моддий ва маънавий жиҳатларга, турли даража ва шакл-қўринишларга эга эканлиги очиқ берилган. Айни шу ҳолатлар унинг тузилишига кўра, ўзига хос мураккаб системали характерда эканлиги кўрсатилган.

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавият, жамият, миллий ғурур, миллат, динийлик, анъанавийлик, замонавийлик.

СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИЕ, ЭКОНОМИЧЕСКИЕ И ДУХОВНЫЕ ОСНОВЫ ФОРМИРОВАНИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ ГОРДОСТИ

Аннотация: В статье описаны структура и функции национальной гордости по формам ее проявления. Также в статье раскрывается, что по своему содержанию и структуре национальное чувство является комплексным и многогранным социально-духовным явлением, и, в определенном смысле, имеет материальные и духовные аспекты, разные уровни и формы. Показано, что эти же случаи по своей структуре носят уникальный сложный системный характер.

Ключевые слова: Новый Узбекистан, социальный, экономический, политический, духовность, общество, национальная гордость, нация, религиозность, традиционализм, современность.

Биз Янги Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги ривожланиш босқичида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллар билан бирга, маънавий-маърифий жабҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини яхши англаймиз. Шунга кўра, истиқлол йиллари халқимиз миллий ғурурини тиклаб, ривожлантириш жамиятимизни маънавий жиҳатдан янгилаб, юксалтиришнинг асосий вазифаси қилиб белгиланди.

Бошқача айтганда, маънавият - жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифатини белгилайдиган пойдевордир. Бу пойдевор қанча мустаҳкам бўлса, халқ ҳам, давлат ҳам шунча кучли бўлади"[1]. Зеро, ҳар қандай инсон, миллат, жамият, давлат мустақил бўлгандагина маромида ривожланиб, юксак тараққиёт босқичларига эришиши мумкин.

Ягона моҳият асосига қурилган бир бутун, яхлит дунё ҳам моддий, ҳам маънавий тузилишига кўра, чексиз даражаларда хилма-хилликка, ранг-барангликка эга. Оламдаги инсон тугал англаб етиши учун мураккаб бўлган бундай турфа хиллик, улардаги нарса ва ҳодисаларнинг жойлашув тартиби, ўзгаришлари моҳияти шу даражада мукаммал тузилишга, юз бериш хусусиятига эгаки, уларнинг ҳар бирининг ўз ўрнида бўлиши, ўз маромида ривожланиши - дунё мавжудлигининг шартидир.

Миллатнинг маданияти, тили, тарихи, дини, номи, мафкураси, урф-одат анъаналари; аجدодлари ҳаётида шаклланиб, авлодларга ўтиб келаётган яшаш, фикрлаш, сўзлаш, кийиниш тарзлари; ҳис-туйғу, орзу-интилишлари, умумлаштириб айтганда, барча моддий ва маънавий қадриятлари ҳам миллий - ғурур, ҳам миллий ғурур манбаидир. Миллий ғурур миллатнинг ўзлигига эга эканлигини кўрсатади.

Барча ижтимоий-миллий хусусиятларни юзага келтирувчи моддий ва маънавий асослар, объектив ва субъектив омиллар миллат шаклланиши билан боғлиқ. Бинобарин миллий ғурур ҳам миллатнинг вужудга келиши билан бирга шаклланиб, ривожланади, унинг негизида миллийлик ётади.

«Миллийликнинг ижтимоий макони миллатдир»[2]. Шу боис, миллий ғурурнинг ижтимоий-маънавий, сиёсий, иқтисодий, тарихий асосларини, унинг бутун мазмун-моҳияти ва шаклланиб, ривожланиш қонуниятларини тўлароқ тушуниб олиш учун, аввало, миллат - миллийликни, бу ўринда, ўзбек халқи миллийлигининг ўзи нима эканлигини, унинг ижтимоий-тарихий жараёнларда тутган ўрни ва ўзига хос хусусиятларини, энг муҳими, миллийлигимизнинг истиқболдаги аҳамиятини аниқ-равшан билиб, англаб, тушуниб олиш лозим.

Дунёдаги барча халқларнинг ўзларига хос миллий хусусиятларини ифодалаб, изоҳловчи турли-туман тушунчалар, ранг-баранг истилоҳ ва иборалар мавжуд. Шулардан бири миллатимиз номидан келиб чиққан *ўзбекчилик* тушунчасидир. Фикримизча, ўзбек халқи миллий ғурурининг ижтимоий-маънавий асосини худди ана шу - ўзбекчилик билан боғлаб талқин этиш тўғри бўлади. Шунинг учун биз, бу ўринда, халқимиз миллий ғурурининг ижтимоий-маънавий асосларини таҳлил қилиш билан бирга, илмий жамоатчилигимизни ҳам диққат эътиборини ушбу тушунчага қаратмоқчимиз.

Маълумки, кишилардаги барча салбий ва ижобий хусусиятлар миллат яшаётган ижтимоий макон ва тарихий замондаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий жараёнлар таъсирида шаклланиб, ривожланади. Бироқ, инсонлар фақатгина «ижтимоий муносабатлар маҳсули»гина бўлмасдан, юксак онгли мавжудод сифатида, маълум маънода, мустақил табиий имкониятлар эгаси ҳамдир. Шунинг учун улар ўзлари яшаётган атроф-муҳитга, жамиятдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий жараёнларга субъектив тарзда жуда катта, баъзан эса, асосий ва ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, ҳар қандай жамият тараққиёти унда яшаётган кишиларда шаклланган ижтимоий-маънавий хусусиятлар, яъни субъектив омиллар (онг, билим, маданият, дунёқараш ва ҳоказолар) ривожига боғлиқ.

Субъектив омилларнинг атроф-муҳит ва ижтимоий ҳаётга таъсири характери эса, инсонлар томонидан бу омилларнинг қай даражада ўзлаштириб билиши, тушуниб англаши, энг муҳими, шу асосда уларни бошқариб, йўналтира олиш имконияти ва қобилияти белгилайди.

Шунга кўра, субъектив омилларни субъект(инсон)ларнинг ўзлари томонидан ўрганиб билиши ва ўзлаштириши, бу - инсонларнинг ўз-ўзини англаши бўлиб, уларнинг шу асосдаги мақсадли фаолиятлари объектив оламни ва ижтимоий борликни ўзгартиришда ғоят муҳим, баъзан эса, ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Демак, миллат ижтимоий ҳаётидаги мавжуд маънавий-маданий хусусиятларни (миллий онг, миллий ғурур, миллий маданият, миллий мафкура, миллий ахлоқ, одоб ва ҳ.к.) кишилар томонидан ўзлаштириб, англаниш даражаси (миллий ўзликни англаш) қанчалик юқори бўлса, уларнинг воқеликдаги объектив жараёнларни мақсадга мувофиқ тарзда ўзгартириб бориш имкониятлари шу қадар кўп бўлади.

Халқимизнинг кўп асрлик ижтимоий-тарихий тараққиёти давомида юзага келган ўзига хос маънавияти, маданияти ва қадриятлари **ўзбекчилик**да мужассамлашган. Бинобарин, у минг йиллар давомида шаклланган миллий ўзига хослигимиздир. Демак, ўзбекчилик бизнинг ўзлигимиз - миллий ғуруримиздир. Шундай экан, миллатимизнинг ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ҳар томонлама раванқ этиб, тараққий топиши, миллий ғурурининг шаклланиб, юксалиши ўзбекчиликни кишиларимиз томонидан қанчалик чуқур ўрганилиб, англаниб етилишига ва шу асосда, уни қай даражада ривожланишига боғлиқ.

Шундай қилиб, бизнинг назаримизда, ўзбек халқининг миллийлигини, унинг бутун миллий характер-менталитетини, миллий ғурурини ҳар томонлама билиб, тушуниб олиш учун «ўзбекчилик» тушунчасини илмий-фалсафий жиҳатдан чуқур тадқиқ ва таҳлил этиш зарур. Зеро, тушунчани билиш у ифода қилаётган нарсга ёки ҳодисани билиш демакдир.

Гарчи кундалик ҳаётимиздаги ўзаро муомала, сўзлашувларда, турли адабиётларда, оммавий ахборот воситаларида бу тушунча тез-тез ишлатилсада, лекин унинг асл мазмун-моҳияти, турмушимиздаги ўрни ва аҳамияти айтарли ҳеч бир фанда аниқ илмий ёритилмаган.

Шунинг учун бўлса керак, уни ҳар ким ўзича талқин қилади, ҳар хил фикрлар билдиради, ўзига хос нуқтаи назарлардан ёндошади.

Баъзилар ўзбекчиликни миллий менталитетдаги ўзига хос алоҳида хусусиятлар деб билса, бошқалар миллий характер ва турмушимиздаги турли хил салбий ва ижобий, яхши ва ёмон фазилатлар йиғиндиси тарзида тушунади. Айримлар уни миллийликнинг энг муҳим белгиси деса, ўзгалар шунчаки бир аҳамиятсиз, хонаки тушунча ҳисоблайди. Яна айримлар эса ўзбекчиликни миллатчилик деб тушунишадики, буни назарда тутиб И.А.Каримов шундай дейди: «Ўзбекчилик» деган олижаноб тушунча борки, буни айрим оғзига кучи етмаганлар нотўғри талқин этадилар. Ўзбекчилик - миллатчилик дегани эмас»[3].

Бизнинг фикримизча, *ўзбекчиликда ўзбек халқининг бутун миллий характери ва менталитети: миллий ғурур, миллий онг, миллий маданият, умуман, миллий борлиқ мужассамлашган*. Бинобарин, уни миллатимизга хос барча умумий ва хусусий (ижтимоий ва индивидуал), салбий ва ижобий хусусиятларимизни ифодаловчи (тавсифловчи) тушунча сифатида талқин ва тасвир этиш лозим.

Ўзбекчилик шунчалик ноёб ва ўзига хос тушунчаки, дунёдаги ҳамма халқларда ҳам миллийликнинг бу қадар содда ва лўнда ифодаси учрамайди. Шунинг учун ҳам, И.А.Каримов айтганларидек, «Биз ўзимизни миллат деб билар эканмиз, ўзбекчилигимиз ҳақида аниқ тушунчага эга бўлишимиз керак»[4]. Демак, миллийлигимизни, ўзлигимизни тугал англаб етиш, кўп жиҳатдан, ушбу тушунчанинг мазмун-моҳиятини, ижтимоий ҳаётимизда тутган ўрни ва аҳамиятини нечоғли чуқур билиб олишимизга боғлиқ.

Ўзбекчиликнинг энг муҳим ва ўзига хос томони шундаки, унинг ижтимоий-маънавий асосини миллийлик ва динийлик ташкил қилади. Яъни,

Ўзбекчилик қадимий ва муътабар миллатимизнинг минглаб йиллар давомида шаклланиб, сайқалланган миллий хусусиятлари билан муқаддас Ислом дини кадриятларининг бирлигидан иборат. Унда дин билан дунёвийлик ўзига хос тарзда уйғунлашган. Донишмандларимиз бизнинг миллатимиз ва миллийлигимизни муқаддас Ислом динидан айри ҳолда асло тасаввур қилиб бўлмаслигини, бу дин кадриятлари, исломий тушунчалар ҳаёtimизга жуда чуқур сингиб кетганлиги боис, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотишимиз мумкинлигини кўп таъкидлашади. Шунинг учун ҳам, ҳаёtimиздаги миллий ва диний кадриятларни ўзаро уйғунликда олиб қарамасдан, ўзбекчиликнинг мазмун-моҳиятини англаб бўлмайди.

Дарҳақиқат, турмушимизда амал қилаётган миллий ва диний кадриятларнинг бирлиги шунчалик табиийлик касб этганки, уларнинг ҳаммасини бир-биридан фарқлаб, қай бири диний ёки миллий эканлигини, ҳатто махсус маълумотли мутахассислар ҳам аниқ айтиб бера олмаса керак. Қолаверса бунга зарурат ҳам сезилмайди.

Шунингдек, ҳозирги даврларда ҳам, ҳаёtimизда миллийлик ва динийликнинг табиий уйғунлигини бузишга, уларни ажратиб кўрсатишга ўринишлар йўқ эмас. Хусусан, чет эллардаги ва ўзимиздан чиққан ақидапарастларнинг бугунги халқимиз ҳаётини фақат шариат асосига курса яхши бўлади, дейишининг ўзи, шунга интилиши динни миллатдан ажратишга, шундай қилиб ўзбекчиликни бузиб, халқимиз миллий ғурурини сўндиришга қаратилган.

Хуллас, *биз учун ўзбекчилик - миллийлик ва динийлик, анъанавийлик ва замонавийликнинг ўзаро уйғунлигидан иборат ўзига хос Шарқона миллий маданиятдир.* Шу боис, у жамиятимизнинг маънавий савиясини, миллатимиз ва миллий ғуруримизни умумий тараққиёт даражасининг муҳим кўрсаткичидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, мустақил мамлакатимизда халқимиз миллий ғурурини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислохотлар, маънавий янгиланиш жараёнларининг

самарадорлиги бевосита ўзбекчиликнинг ҳозирги ва келгусидаги ҳолатига, унинг ижтимоий ҳаётимизда тутган ўрни ва ролига боғлиқ.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон – тараққиёт стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2022. – Б.267.
2. Йўлдошев А. Маданиятни бошқаришнинг миллий тамойиллари. // Мулоқот. 2000. № 3. –Б.5.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б. 106.
4. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т.7. -Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б.140.
5. Тоғаев Ш.Х. Миллий ғурурни шакллантиришнинг маънавий-маданий асослари. (Монография) – Тошкент: “Чирчиқ”, 2023. – 174 б.
6. G‘affarova G.G’. Kreativlik inson kapitalini rivojlantirish omili sifatida. NamDU Ilmiy Axborotnomasi 2024-8-son. 133-137-b
7. G‘affarova G.G’ Kreativlik falsafasi. NamDU Ilmiy Axborotnomasi 2024-6-son. 280-283-b
8. Gulamzhanovna, G. G. (2024). The Need for Creativity in the Development of Human Capital. Miasto Przyszłości, 52, 685–690. Retrieved from <http://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/4698>
9. Гаффарова, Г. (2023). Молодежного Сознания В Цифровом Обществе. Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture, 4(2), 13-17. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/HCBVN>
10. Gaffarova, G. (2023). Transformations of youth consciousness in a digital society. ISJ Theoretical & Applied Science, 2(118), 1-5.